

Мавзусидаги илмий-амалий  
анжуман материаллари

АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ  
ВА МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ  
ВА МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК

*мавзусидаги илмий-амалий анжуман  
материаллари  
(Самарқанд, 20.05.2022 й)*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ ВА  
МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК”  
мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари  
(Самарқанд, 20.05.2022 й)**

**Самарқанд – 2022**

**“Академик Ботирхон Валихўжаев ва мумтоз адабиётшунослик” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.** – Самарканд: СамДУ нашриёти, 2022 й. – 368 б.

Мазкур тўплам 2022 йилнинг 20 май куни ўtkazилган “Академик Ботирхон Валихўжаев ва мумтоз адабиётшунослик” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материалларидан иборат бўлиб, унда мамлакатимизнинг бир қанча таникли олимлари, ёш тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларининг мақолалари ўрин олган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг аниқлиги юзасидан муаллифлар масъулдир.

\*\*\*

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Р.И.Халмуродов** (таҳрир ҳайъати раиси), **М.Қ.Муҳиддинов** (масъул муҳаррир), **Ҳ.Хушвақтов, С.Олимов, Ж.Ҳамроев, А.Б.Пардаев,**  
**И.И.Сулаймонов, Ш.Ҳасанов.**

### **Нашрга тайёрловчилаr:**

**С.Тоҳиров**, филология фанлари номзоди, доцент

**Н.Муҳитдинова**, филология фанлари доктори, доцент

### **Мусахҳихлар:**

**М.Ҳасанова**, PhD, ўқитувчи

**А.Раззоқов**, PhD, ўқитувчи

*СамДУ Илмий-техник кенгаши мажлисига муҳокама қилиниб,  
нашрга тавсия этилган. (2022 йил 30 апрел, № 10-баённома)*

**ISBN 978-9943-8227-0-2**

©Самарканд давлат университети нашриёти, 2022

*Ш.Н. Ахмедова,  
БухДУ профессори*

## **ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАРИХИННИНГ БИЛИМДОНИ**

Ўзбек адабиётшунослиги тарихи, адабий-танқидий қарашлар тарихини ўрганиш масалаларида кўп бора академик Ботирхон Валихўжаевнинг тадқиқотларига мурожаат қиласиз. Чунки ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва адабий-танқидий жанрлар тарихи олим тадқиқотларида яхлит ҳолда монографик тарзда ўрганилган, шу боис ҳозиргача олий таълимда талабаларга, магистрларга шу китобни тавсия қилиб келасиз. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг ҳаёти ва ижоди, илмий фаолияти ҳақида қатор мақолалар, рисолалар чоп этилган. Бунда, айниқса, профессорлар Н.Комилов, Р.Воҳидов, Д.Салоҳий ҳамда бир қанча тожик адабиётшуносларининг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир<sup>1</sup>. Устоз Р.Воҳидовнинг “Самарқанднинг илмий виждони” рисолалари академик Б.Н.Валихўжаевнинг адабиётшунослик фаолиятига доир илмий-оммабоп рисола шаклида чоп эттирилган бўлиб, шогирднинг устозга эҳтироми тарзида намоён бўлиши билан диққатни тортади.

Мумтоз адабиёт тарихининг билимдони, Алишер Навоий ижодига бағишлиб қатор илмий-назарий жиҳатдан бақувват асарлар яратган Б.Валихўжаевнинг “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (Х-XIX асрлар)” тадқиқоти ҳам унинг кенг ва чуқур билимга эга эканлигини, мавзуни атрофлича, ҳар томонлама илмий далиллар, асослар асосида тадқиқ этиш услубини маҳорат билан эгаллаган олим эканлигини намоён этади. Профессор Р.Воҳидов ўз мақола ва рисолаларида устозининг барча асарларини таҳлил қиласи, “XV-XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан” деб номланган йирик илмий тадқиқоти ҳақида атрофлича фикр юритади. Унинг мантиқий давоми бўлган, тадқиқ обьекти X асрлардан бошланган “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (Х-XIX асрлар)” тадқиқотида, энг аввало, танқид сўзининг луғавий, истилоҳий маъноларига диққат қаратади. Ўтмиш адабиётшунослигига

<sup>1</sup> Комилов Н.,Воҳидов Р.Саодатнинг калити //“ЎзАС”, 1982, 2.04; Воҳидов Р.Навоий барҳаёт. Тошкент.”Фан”, 1991; Мусулмонқулов Р. Суханшиноси олиҳиммат.// “Ҳақиқати Ўзбекистон”,1990, 12.01.; Салоҳий Д. Устозга садоқат –ўзбек зиёлисининг олижаноб фазилати.Китобда: Бубурнинг буюк эътиқоди.Самарқанд.2019.

танқидчи, адабий танқид сўзлари ўрнида шу тушунчаларни англатадиган сўз ва иборалар: нақд, маҳаки имтиҳон, маслаҳат, машварат, жавоҳирсанж, нуққод ва бошқалар ишлатилиши, бу эса унинг узоқ тарихга эга эканини, ўзига хос шаклларда ривожланиб, мустаҳкамланиб келганини кўрсатади, - деб ёзар экан, танқиднинг адабиёт билан ўзаро, чамбарчас алоқаси ҳакида фикр юритиб, унга шундай таъриф беради: “Адабий танқид, бир томондан, бадиий танқиднинг шаклларидан ҳисобланса, ўзига хос хусусияти – адабий унинг қизиқиш доираси бўлиши нуқтаи назаридан адабиётшуносликнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва адабий жараён тараққиётига ўзининг ҳиссасини қўшувчи қисмларидан бири ҳамдир” [Валихўжаев, 1993, 6]. Бу таъриф икки жиҳатдан аҳамиятга эга: биринчидан, адабий танқидда бадиийликнинг ўрнига шубҳа қилувчиларга қарши ўз вақтида айтилган фикр бўлса, иккинчидан, адабий танқидга хос муҳим жиҳат - ижодийликни очиб беради. Айни шу хусусиятлар олим асарининг бош меҳварини ташкил этади десак, адашмаймиз. Бу ҳақда профессор Р.Воҳидов шундай ёзади: “Бадиий асар сингари илмий иш ҳам ўз муаллифининг фарзанди қаторида туради. Ўша илмий тадқиқотлар ўзини дунёга келтирган ижодкор руҳи, ақлу заковати, тафаккуридан озиқланади. Айни бунёдкор қалбнинг тафтидан ҳарорат олади. Алқисса, муаллифининг нимага қодир эканлиги унинг ёзганларида намоён бўлади. Шу маънода Ботурхон домла илмий асарларида закий, тафаккур олами кенг ва қамровли, чуқур мулоҳазали, шарқона одоби юксак ва ўта андишли комил инсон сиймоси ёрқин кўзга ташланади” [Воҳидов, 2005. 36].

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, академик Б.Валихўжаев тадқиқотининг муҳим хусусиятлари қуидагиларда кўринади:

1) Ижодийлик бадиий ижод учун ҳам, адабий танқид ва адабиётшунослик учун ҳам хос хусусият эканлиги таъкидланади. Бу муҳим фикр ҳозиргача адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида кўрсатиб келинмоқда.

2) Олим адабий танқиднинг халқ оғзаки ижодидан ўсиб чиққанлиги, халқнинг бадиий асарларга оғзаки тарзда муносабат билдириш анъанаси турли шаклларда асрлар оша давом этиб келганлигини мисоллар асосида кўрсатиб беради.

3) Ўтмиш адабиётшунослигига адабий танқиднинг ифодаланиш жанрларини икки гуруҳга ажратиб, уларни тизимли равишда тадқиқ этганлиги тадқиқотнинг муҳим илмий янгиликка эга эканлигини кўрсатади. Ҳар бир гуруҳга мансуб асарларни, масалан,

биринчи гурухга мансуб: фахрия, шеърий парчалар, илми адабга бағишенгандар асарлар, достонларнинг айрим боблари, тарихий, тарихий эсдаликлар, насиҳатномаларни таҳлил қилиб беради.

4) Тадқиқотнинг салмоқли қисми адабиётшунослик ва адабий танқид масалаларига бағишенгандар асарлар гурухига: тазкира, маноқиб-ҳолотлар, аruz, қофия ва шеърий санъатларга бағишенгандар рисолалар, дебоча ҳамда 19- асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, газеталарда эълон қилинган тақриз ва ихчам мақолалар таҳлилига бағишенгандар, илмий жиҳатдан далиллар билан асослаб, таҳлил қилиб берилган. Энг муҳими шундаки, бу асарларнинг жанрий хусусиятлари тўғри белгиланиб, асосланган.

5) Адабиётшунослик ва адабий –танқидий қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини белгилашда олим уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда адабий –танқидий фикрларнинг ифодаланиш ҳолати ва етиб келган маълумотларга асосланиб, уч даврга: илк қадамлар, тараққиёт зиналари, анъана ва янгилик тарзида таснифлаб, ўрганган.

Тадқиқотда адабий-танқидий қарашларнинг адабиёт ва шеър ҳақидаги тушунчаларнинг қонуний давоми сифатида юзага келганлиги Абу Шукур Балхий, Юсуф хос Ҳожиб, Форобий, Беруний, Кайковус, Низомий Арузий Самарқандий каби алломаларнинг асарларини чуқур таҳлил қилиш орқали қўрсатиб берилади. Масалан, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола” асарининг иккинчи боби ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “Низомий сўзни шеъриятнинг таърифидан бошлаб, унинг ўзига хос санъатлиги, шоир турли тасвирий услублардан фойдаланиб (муболаға ва кичрайтириш) ҳаёт ҳақида тасаввур қилдириши, шу йўл билан одамлар онгига таъсир қўргизиб, ҳаётдаги муҳим воқеаларнинг содир бўлишида сабабчи бўлишлиги тўғрисида баҳс юритади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Низомий шеърият-адабиётда ҳаётнинг ўзига хос тарзда акс эттирилиши ҳақида мулоҳаза юритади” [Валихўжаев, 1993, 56].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Б.Валихўжаев навоийшуносликда ҳам бир қанча тадқиқотлар яратиб, ўз сўзини айта олган адабиётшунос олимлардан ҳисобланади. Мазкур тадқиқотнинг “Тараққиёт босқичлари” қисми тўлиғича Навоийнинг адабий-танқидий қарашларига бағишенгандар. “Устоз қаламларининг югурик майдони мумтоз доира – Жомий, Навоий, Бобур эди. Шу мумтоз доира ичидаги айланардилар, шу мумтоз доира ичидаги “ҳаёт кечирадар

эдилар”. Табиийки, фикр ва ҳаёт тарзлари ҳам мумтоз даражадан пастга туша олмас эди. Мумтоз, классик дегани – энг олий даража, яқуний ҳад, бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас, дегани” [Салоҳий, 2019, 83].

Тўғри, бу йўналишда А.Саъдий, С.Ғаниева, Ҳ.Кудратуллаев, А.Ҳайитметовнинг тадқиқотлари яратилган. Навоийшунос А.Ҳайитметов Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганар экан, дикқат марказида “Мажолис ун - нафоис” асари туради. Б.Валихўжаев ҳам Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашларини атрофлича ва чуқур ўрганишга киришиб, масалани кенг қамровда тадқиқ этади. “Адабий далиллар юзлашган, ақл мезони мувозанатини йўқотмаган саҳифаларда ўртага ташланган хулосалар шубҳага ўрин қолдирмайди. Асарда ёрқин кўринадиган фазилатлардан бири сирасига Алишер Навоий даҳосига юксак муҳаббатнинг балқиб туришини киритмасликнинг иложи йўқ...” [Воҳидов, 2005, 39]. Ҳақиқатан ҳам асарда миллатимизнинг асрлар давомида яратилган бой адабий-танқидий қарашлари ривожида Алишер Навоий фаолияти ва унинг даври алоҳида босқич сифатида тадқиқ этилган. олимнинг Алишер Навоийга бағишлиланган асарларини ўқир экансиз, асарлари моҳиятида “Навоийнинг уйғоқ рухи кезиб” юришини, улкан шоирга нисбатан юксак муҳаббатни сезиб турасиз. Ва унинг ҳарорати йиллар ўтса-да, китобхонни тарк этмайди. Бу эса “Самарқанднинг илмий виждони” академик Б.Валихўжаев асарларига абадийлик бахш этиши, шубҳасиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993, 190 б.
2. Воҳидов Р. Самарқанднинг илмий виждони. – Тошкент: Фан, 2005. 175 б.
3. Воҳидов Р. Навоий барҳаёт. – Тошкент: Фан, 1991, 80 б.
4. Комилов Н., Воҳидов Р. Саодатнинг қалити // “ЎзАС”, 1982, 2.04.
5. Мусулмонқулов Р. Суханшиноси олиҳиммат // “Ҳақиқати Ўзбекистон”, 1990, 12.01.
6. Салоҳий Д. Устозга садоқат – ўзбек зиёлисининг олижаноб фазилати. Китобда: Бубурнинг буюк эътиқоди. – Самарқанд, 2019.93 б.

## МУНДАРИЖА

### УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ

Рустам Халмуродов.	Валийсифат олим эди.....	3
М.Муҳиддинов.	Илмга бахшида умр.....	6
Ҳ.Умиров.	Қалб ҳарорати беназир домлам.....	16
Ш.Сирожиддинов.	Хоксорлик тимсоли.....	20
Ҳ.Ҳомидий.	Жабҳалар туташуви.....	26
Ж.Элтазаров.	Улуғ алломани ёдлаб.....	30
Э.Мусурманов.	Видолашув дуоси ёхуд маънавий ота....	37

### АКАДЕМИК Б.Н.ВАЛИХЎЖАЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИННИГ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ж.Ҳамроев. Айнишиноси донишманд ва моҳиятбин.....	46
Д.Салоҳий. Академик Ботирхон Валихўжаев илмий фаолияти тамойиллари                    ва                    тадқиқотлари                    майдони..	53
Ш.Ахмедова. Ўзбек адабиётшунослиги тарихининг билимдони...62	
И.Сулаймонов. Бобур Самарқанд ҳақида.....	66
H.Eshonqulov. B.Valixo`Jayev nuktadonligining ayrim jihatlari xususida.....	70
Б.Муҳиддинова. Ҳожа Аҳрори Вали – Васлий Самарқандий ва Ботирхон Валихўжаев нигоҳида.....	76
Мухитдинова Н. Қутби замон.....	81
М.Абдуллаева. Ботурхон валихўжаев – адабий таълим тадқиқотчиси.....	85
G.Rahimova. Murshidi komil tarixi akademik Boturxon Valixo`jaev talqinida.....	89
М.Хасанова. Адабий-танқидий қарашлар тараққиёти тарихининг билимдони.....	93
У.Караев. Адабий меросни тадқиқ қилиш анъаналари.....	100
Д.Мамарасолов. Самарқанд давлат университетининг иккинчи жаҳон уруши йилларидағи фаолияти тарихидан.....	106
Д.Назарова. Самарқанднинг илмий вижданi.....	114
Н.Шарипова, М. Муҳаммадиева, М. Камолова. “Хамса” мунаққиди.....	118
Отаёрова У. Асарлари билан барҳаёт олим.....	124